

# Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилиши тўғрисидаги таҳлилий

## А Х Б О Р О Т

Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг Қонунда белгиланган тартибда, ўз вақтида, ҳар томонлама ва сифатли кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

Адлия вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2021 йил 1-ярим йиллиги давомида жами 65 586 та (2020 йил 1-ярим йиллигида 53 028 та) мурожаатларнинг 11 833 таси (2020 йилда 6 729 та) Адлия вазирлигининг марказий аппаратиغا келиб тушган. Мазкур мурожаатларнинг 7 397 таси (6 825 та) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали, 30 345 таси оғзаки (23 583 таси) оғзаки, 2 673 таси (2126 таси) электрон, 24 967 таси (20 297 таси) ёзма шаклларда, 204 таси (197 таси) расмий веб-сайти орқали келиб тушган мурожаатларни ташкил қилади.

Бевосита, 2021 йил 1-ярим йиллиги давомида келиб тушган мурожаатларнинг 33 142 таси (57%) қаноатлантирилди, 18 524 таси (32%) юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди ва 3 573 таси (6%) кўриб чиқиш учун тааллуқлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилди, 240 таси кўрмасдан қолдирилди, 141 таси рад этилди, 2569 таси (4%) кўриб чиқилмоқда.

Вазирлик раҳбарияти ҳамда адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари, масъул ходимлари ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан аҳолининг муаммоларини эшитиш ва уларни ҳал этиш юзасидан жойларда мунтазам равишда сайёр қабулларни ташкил этиш юзасидан график тасдиқланган бўлиб, шу асосда туман ва шаҳарларда сайёр қабуллар ўтказилиб келинмоқда ва мурожаатларни жойига чиқиб ўрганишга, уларни қаноатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, жами 1372 нафар жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларининг қабули ташкил этилган бўлиб, шундан 225 таси бевосита адлия вазири томонидан, 1147 таси вазир ўринбосарлари томонидан қабул қилинди. Ушбу фуқароларнинг 287 таси Адлия вазирлиги биносида қабул қилинган бўлиб, қолган 1085 нафари раҳбарият томонидан бевосита ҳудудларга чиққан ҳолда ўтказилган сайёр қабуллар жараёнида қабул қилинган.

Шунингдек, ҳудудий адлия органлари (туман адлия бўлимлари) ва муассасалари раҳбарлари томонидан ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг сайёр қабулларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, улар томонидан 2021 йил 1-ярим йиллиги давомида ўтказилган шахсий ва сайёр қабуллар давомида жами 24 195 нафар жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали 7 397 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 2 282 таси қаноатлантирилди, 3 987 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 115 таси кўрмасдан қолдирилди, 14 таси рад этилди, 613 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилди ва 386 таси кўриб чиқилмоқда.

Вазирликнинг “Ишонч телефони”га 2021 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида жами 72303 тага яқин жисмоний ва юридик шахслар томонидан кўнғироқлар қилинган бўлиб, шундан 67645 та мурожаатларга малакали мутахассислар томонидан тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, 4658 та мурожаатлар ўрганиш талаб қилганлиги сабабли ижрога қаратилди.

Ушбу келиб тушган мурожаатларнинг 261 таси қаноатлантирилди, 1049 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди, 3293 таси кўриб чиқиши учун тааллуқлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилди, 8 таси кўрмасдан қолдирилди ҳамда 47 таси қолдиқ бўлиб ўтган мурожаатлардир.

“Ишонч телефони”га келиб тушган мурожаатлар ундаги келтирилган масалалар кесимида таҳлил қилинганда, уларнинг 493 таси пенсия, моддий ёрдам ва нафақа тўлаш масаласида, 343 таси меҳнат низоларига оид, 334 таси нотариат соҳасига оид, 242 таси уй-жой билан таъминлаш, уй-жой бузилиши ва бузилган иморатларга нисбатан компенсация тўловларини ундиришга оид, 167 таси ер майдони ажратиш, давлат хизматларига оид 92 та, 31 таси адвокатлар фаолиятига оид, 56 таси суд, 60 таси прокуратура ҳамда 94 таси ички ишлар органларига ҳамда 2746 таси бошқа масалаларга оид мурожаатларни ташкил қилади.

Вазирлик ва унинг тизимида ҳисобот даврида келиб тушган мурожаатларни уларда келтирилган масалалар кесимида таҳлил қилинганда, уларнинг аксарияти уй-жой билан таъминлаш, уй-жой бузилиши ва бузилган иморатларга нисбатан компенсация тўловларини ундириш, ерга доир қонун ҳужжатларига оид, пенсия, моддий ёрдам, нафақа масалалари, меҳнат низолари, иш ҳақи, нотариат соҳасига оид, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ходимлари хатти-ҳаракатидан норозилиги, адвокатура фаолиятига оид, бола пули масаласида келиб тушган муаммоли масалаларни ташкил қилади.

Келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш ҳолати, уларнинг ижрога қабул қилиниши, кўриб чиқилиши, ҳал этилиши ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ижро қилиниши бевосита вазирлик раҳбарияти томонидан қатъий назоратга олинган бўлиб, мунтазам равишда вазирликнинг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишларида танқидий муҳокама қилинади.

Фуқароларнинг мурожаатидаги масалалар юзасидан шаҳар ва вилоятлардаги турли идора ва ташкилотлар ходимлари томонидан мазкур соҳаларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини яхши билмаслиги ёки уларга амал қилмаслиги ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича зарур чоралар ўз вақтида кўриб борилмаганлиги сабабли бугунги кунда турли хил мазмундаги мурожаатларнинг келиб тушиши ҳамон давом этмоқда.

Мурожаатларни кўриб чиқилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар тизимли равишда оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларидаги сайтлар орқали ёритилиб келинмоқда.

Хусусан, адлия органлари ва муассасалари томонидан ҳисобот даврида мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларини ОАВларда ёритилиши ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича жами 1821 та тадбирлар ўтказилган бўлиб, улардан 272 таси телевидение ва радиода чиқишлар орқали, 833 таси электрон ОАВларида чиқишлар орқали, 224 таси босма ОАВ (газета, журналлар)да чиқишлар ва 492 таси идора веб-сайтида чиқишлар орқали амалга оширилган.

Адлия вазирлиги расмий веб-сайтида ҳамда интернет нашрларда мурожаатлар билан боғлиқ чиқишлар электрон шаклда илова қилинади.

**Ташкилий-назорат  
ва таҳлил бошқармаси**